

ТАНОСИЛ КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАТИШНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Олий таълимдан кейинги таълим факультети

таянч докторантура докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16964650>

Таносил касалликларининг тарқалиши дунё миқёсида эпидемиологик ҳодиса сифатида намоён бўлиб, дунёнинг барча мамлакатларига кўп қирралилик таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу жараён инсон ҳаётининг турли жабҳалари – соғлиқни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларига ҳам ўзинг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бу эса ушбу касалликларнинг тарқалишига қарши курашиш ҳамда касалликка чалинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 374 миллиондан ортиқ инсон таносил касаллигини юқтирмоқда, энг ачинарлиси 1,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл ҳар йили сифилис касаллигини юқтирмоқда, бу эса 390 мингдан ортиқ салбий туғилиш натижасига олиб келмоқда¹. Энг хавотирли жиҳати шундаки, мазкур касалликнинг кенг кўламда тарқалиши аҳоли саломатлигига чуқур ва узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатиши баробарида, мамлакатлар генофондига ва демографик ривожланишига ҳам жиддий таҳдид солади.

Шу нуқтаи назардан жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, таносил ёки касаллигини тарқатиш учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида, айниқса жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва замон талабларига мос равишда такомиллаштириш борасида сўнгги йилларда изчил ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар жиноят-ҳуқуқий муносабатларда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жавобгарлик чораларини адолатли ва мутаносиб тарзда белгилашга қаратилган.

Шу билан бирга амалга оширилаётган ўзгаришларга қарамай жиноят қонунчилигида ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам мавжудлигини қайд этиш зарур. Улардан бири таносил касаллигини тарқатиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни амалиётда қўллаш жараёнида муайян муаммолар кузатилмоқда. Зеро, ушбу норманинг такомиллаштирилиши келгусида таносил тарқатишга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасида икки турдаги хавфли касаллик яъни таносил ва ОИВ/ОИТСни тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилган. ЖК 113-моддасининг 1-3-қисмларида таносил касалликларини юқтириш хавфи остида қолдирганлик, таносил касаллигини юқтириш учун жавобгарлик

¹ Sexually transmitted infections (STIs) // URL:[https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/sexually-transmitted-infections-\(stis\)](https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/sexually-transmitted-infections-(stis))

белгиланган бўлса, таносил касаллигини вояга етмаган шахсга, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилганлик учун жавобгарлик алоҳида оғирлаштирилган.

Жиноят кодекси 113-моддасининг 1-қисмида била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, амалда шахс тиббиёт ходимлари касалликка чалинган шахсни бошқа шахсларга касалликни юқтириш хавфи остида қолдириш ҳаракатларини содир этган тақдирда Жиноят кодекси 113-моддасининг 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиришига қарамасдан ўзга шахсга мазкур касаллик юқиши билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириши жиноят сифатида баҳоланади.

Қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодекси 113-моддасининг 1-қисмида Била туриб, бошқа шахсга таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирганлик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши, аввало, мазкур касалликнинг тарқалишини чеклаш ва инсон саломатлиги ҳамда ҳаётга жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган омилларини барвақт бартараф этишга қаратилган. Бироқ суд ҳукмлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур нормани бугунги кунда декриминализация қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг шакли сифатида декриминаллаштиришни қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эътироф этиш мумкин эмас. Жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлиги уларнинг ижтимоий шартланганлигига боғлиқ, яъни улар жамият ва давлатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга мос келиши, жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиши лозим. Акс ҳолда жиноят қонуни ўз олдида қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлай олмайди, айрим ҳолларда эса ижтимоий муносабатларнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига муайян тўсиқ ҳам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан Жиноят кодекси 113-моддаси 1-қисми билан 2021, 2024 йилларда 1 тадан жиноят иши мазмунан кўрилиб, суд ҳукми билан жазо тайинланган бўлса, 2020, 2022, 2023 йилларда Жиноят кодекси 113-моддаси 1-қисми бўйича жиноят иши кўрилмаган².

Ушбу норма бўйича жавобгарлик белгиланган айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлиliga кўра Қозоғистон Республикаси (ЖК 117-м.)³, Арманистон Республикаси (ЖК 124-м.)⁴, Молдава Республикаси (ЖК 211-м.)⁵, Россия Федерацияси (ЖК 121-м.)⁶, Қирғизистон (ЖК 143-м.)⁷. ва бошқа бир нечта давлатлар жиноят қонунчилигида таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш учун

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов статистикаси.

³ Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V. Электрон манба. URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=1798;-28#pos=1798;-28.

⁴ Арманистон Республикаси Жиноят кодекси. Электрон манба. URL: <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show>.

⁵ Молдова Республикаси Жиноят кодекси: Электрон манба. URL: https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923.

⁶ Уголовный кодекс Российской Федерации. Электрон манба. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/.

⁷ Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси. Электрон манба. URL: <https://mvd.gov.kg/rus/ministry/normative-bases/22>.

жавобгарлик Жиноят кодексидан декриминализация қилиниб, Маъмурий жавобгарлик кодексда белгиланган.

Жиноят кодекси 113-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган, Била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ижтимоий хавфи катта бўлмаган бўлмаган жиноят ҳисобланади. уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказиш орқали декриминализация қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу борада тадқиқотчилар, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьяларнинг 500 нафари ўртасида ўтказилган социологик сўровномада “Таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш” учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш ва маъмурий жавобгарлик белгиланишига муносабатингиз қандай? деб берилган сўровга респондентларнинг 72 % “ижобий, чунки ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги юқори эмас” деб жавоб берган бўлсалар, респондентларнинг 28 % “салбий, ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим” деб жавоб берганлар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 113-моддаси 1-қисмидаги била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш билан боғлиқ жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарлик декриминализация қилиниб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ўтказишни таклиф этамиз. Жиноий жавобгарлик таносил касаллигини тарқалишига қарши курашда доимо ҳам самарали бўлавермайди. Бу таносил билан касалланган шахсларнинг руҳий-ҳиссий ҳолатини ёмонлаштириши, шунингдек, тиббий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланишларини қийинлаштириши мумкин. Амалда жиноий таъқиб ўрнига маърифат, профилактика, даволаниш ва тестдан ўтиш имкониятларини таъминлашга қаратилган дастурлар анча самарали натижа беради. Декриминализация эътиборни жазодан профилактика ва қўллаб-қувватлашга қаратиш имконини беради.